

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ СТАНДАРТИ

Туризм хизматлари.
Жойлаштириш воситалари.
Балли таснифлаш тизими

Расмий нашр

Ўзбекистон стандартлар институти

Тошкент ш.

Сўз боши

1 Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси ҳузуридаги STQ 4 “Turizm va madaniy meros” стандартлаштириш бўйича техник қўмита томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ. “Туризм хизматларини сертификатлаш маркази” Давлат унитар корхонаси томонидан ТАҚДИМ ЭТИЛДИ.

2 Ўзбекистон стандартлар институтининг 2024 йил 28 февралдаги 6/MSt-сонли буйруғи билан ТАСДИҚЛАНДИ.

3 Ушбу стандарт «Hotelstars Union» компанияси Criteria 2020 – 2025 халқаро стандарти асосида ишлаб чиқилган.

4 O‘z DSt 3296:2023 “Туризм хизматлари. Жойлаштириш воситалари. Балли таснифлаш тизими” ўрнига ишлаб чиқилди.

Ушбу миллий стандартни ва унга бўлган ўзгартишларни Ўзбекистон ҳудудида жорий этиш ҳақидаги ахборот Стандартлаштириш бўйича миллий органнинг расмий веб-сайтлари ва стандартларнинг йиллик ахборот кўрсаткичларда чоп этилади. Ушбу стандартни қайта кўриб чиқиш ёки бекор қилиш ҳақидаги мувофиқ ахборот Стандартлаштириш бўйича миллий органнинг расмий веб-сайтлари ва стандартларнинг йиллик ахборот кўрсаткичларда чоп этилади.

Ушбу стандартни Ўзбекистон ҳудудида расмий чоп этиш мутлақ ҳуқуқи
Ўзбекистон стандартлар институтига тегишли.

Мундарижа

1	Қўлланиш доираси	1
2	Стандартларга ҳаволалар	1
3	Атамалар ва таърифлар	1
4	Жойлаштириш воситаларини таснифлаш.....	2
5	А илова	3

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ СТАНДАРТИ

**Туризм хизматлари.
Жойлаштириш воситалари.
Балли таснифлаш тизими**

**Туристские услуги.
Средства размещения.
Балльная система классификации**

**Tourist service.
Accommodation facilities.
Point classification system**

Амалга киритиш санаси _____**1 Қўлланиш доираси**

Ушбу миллий стандарт меҳмонхоналар, ва ўхшаш жойлаштириш воситалари ҳамда ихтисослаштирилган (санаторий, дам олиш уйлари/марказлари/зоналари, курортлар (ресорт)) жойлаштириш воситаларини (бундан буён матнда жойлаштириш воситалари деб юритилади) балли асосда таснифлаш тизимини белгилайди.

2 Стандартларга ҳаволалар

Ушбу миллий стандартда қуйидаги стандартларга ҳаволалардан фойдаланилди:

O‘z DSt ISO 14001:2019 (ISO 14001:2015, ITD) Экологик менежмент тизими. Фойдаланиш бўйича кўрсатмалар ва талаблар;

O‘z DSt ISO 18513:2017 Туризм хизматлари. Меҳмонхона ва туристларни жойлаштириш воситаларининг бошқа турлари. Атамашунослик;

O‘z DSt 3220:2023 Туризм хизматлари. Жойлаштириш воситалари. Умумий талаблар.

3 Атамалар ва таърифлар

Ушбу миллий стандартда O‘z DSt ISO 18513 ва O‘z DSt 3220 да келтирилган ҳамда қуйидаги атамалар ва уларнинг тегишли таърифлари қўлланилган:

3.1 балли таснифлаш тизими: Бинолар, жиҳозлар, номенклатура ва тақдим қилинаётган хизматлар ҳамда хизмат кўрсатиш даражасига доир талаблар мажмуига асосланган тегишли тоифани жойлаштириш воситаларига бериш учун кўрсатилаётган меҳмонхона хизматларининг сифатини балл асосида баҳолаш тизими;

3.2 меҳмонхона тоифаси: Маълум талаблар мажмуи билан тавсифланадиган таснифлаш гуруҳланиши.

3.3 хизмат кўрсатиш бари (lounge bar): Мусиқаси баланд бўлмаган, ёқимли муҳитли маҳсус ажратилган жой.

4 Жойлаштириш воситаларини таснифлаш

4.1 Жойлаштириш воситалари ва уларнинг турлари O‘z DSt 3220 талабларига мувофиқ бўлиши керак.

4.2 Жойлаштириш воситаларини тоифалар бўйича таснифлаш қуйидаги талаблар мажмуига асосланган:

бинолар ва унга туташ ҳудуд;

техник жиҳозлар ва асбоб-ускуналар;
номер фонди;
санитар объектлар;
жамоат жойлари;
хизматларни тақдим қилиш.

4.3 Тоифалар «*» (юлдуз) белгиси билан белгиланади ва бешта тоифа бўйича таснифланади. Жойлаштириш воситалари учун — энг юқори тоифа «*****» (беш юлдуз) ва энг паст «*» (битта юлдуз) ҳисобланади.

4.4 Жойлаштириш воситалари мазкур миллий стандартнинг иловасига мувофиқ таснифланади. Бунда «м» бажарилиши мажбурий бўлган талабларни белгилайди. Мажбурий бўлмаган талаблар бажарилганда эса қўшимча балл берилади. Баллар йиғиндисига кўра тегишли юлдуз («*», «**», «***», «****», «*****») тоифаси берилади.

4.5 Жойлаштириш воситалари бинолари ва хоналарининг жиҳозлари, иншоотлари, асбоб-ускуналари ва инвентари белгиланган функционал талабларга мувофиқ бўлиши керак.

А илова
(норматив)

Жойлаштириш воситаларини тоифалашга доир талаблар

Т/р	Талаблар	Балл миқдори	Тоифа				
			*	**	***	****	*****
Умумий талаблар ^(A13)							
1.	Тозалик ва гигиена. Жойлаштириш воситалари худуди бўйлаб тозалик ва гигиена қодаларига амал қилиниши керак ^(A1)	-	М	М	М	М	М
2.	Ташқи кўриниш. Фасад, балконлар, лоджияларнинг сифати ва ҳолати ташқи нуқсонларсиз, фасаднинг олдинга чиққан элементлари ёрилмаган, бузилмаган, шикастланмаган, металл конструкцияларнинг бир-бири билан пайвандланган жойлари занг доғларисиз бўлиши керак.	-	М	М	М	М	М
3.	Жойлаштириш воситаси бинолари ва хоналарининг жиҳозлари, иншоотлари, асбоб-ускуналари ва инвентарлари соз ҳолатда ва белгиланган функционал талабларга мувофиқ бўлиши керак	-	М	М	М	М	М
4.	Кўчмас генераторнинг мавжудлиги (24 соат давомида асосий ёритиш ва ускуналар ишини, шунингдек биринчи қаватгача лифтлар ишини таъминлаши керак).	4			М	М	М
4.1	Муқобил қайта тикланувчи энергия манбалари (қуёш панеллари, шамол генераторлари ва бошқалар)	5					
5.	Парк (ўрмон парки) хўжалигининг мавжудлиги (дарахтлар, буталар, манзарали ўсимликлар, ўт қопламаси, йўлкалар, сўқмоқ йўллар) ^(A12)	3					
6.	Кўнгилочар ва фитнес қурилмаларини очик ҳавода, жойлаштириш воситаларга туташ кўчалар, бинолар ва техник ҳудудлардан узоқ бўлган жойларда жойлашиши ^(A12)	3					
7.	Соябонлар ва шийпонларнинг мавжудлиги ^(A12)	3					
8.	Автотураргоҳ/автомобилларнинг тўхташ жойи ^(A7)						
8.1.	Жойлаштириш воситаси яқинида	3					
8.2.	Автобус тўхтаб туриш имконияти мавжудлиги	3					
8.3.	Ташриф буюрувчилар транспорти учун гараж мавжудлиги	5					
8.4.	Электромобиллар ва бошқа турдаги электротранспорт учун қувватлаш станцияси мавжудлиги	10					
9.	Лифт						
9.1.	3 қаватдан юқори жойлаштириш воситаларида	2	М	М			
9.2.	2 қаватдан юқори жойлаштириш воситаларида	2			М	М	М
9.3.	Хизмат кўрсатувчи/юк ташувчи (ёки юк кўтаргич) қўшимча лифт ^(A11)	2				М	М
10.	Бошқа талаблар						
10.1.	Номерлар балкон ёки террасали бўлиши	3					
10.2.	Меҳмонлар учун автотранспорт воситалари жойлаштирилган жойдан келиш йўлида атмосфера ёғинларидан ҳимоялайдиган соябонли кириш жойи мавжуд бўлиши ^{(A7), (A11)}	5				М	М

10.3.	Сувга ишлов бериш (филтрация ва тозалаш) бўйича ускуна	2					М	М
11.	Имконияти чекланган шахслар учун қулайликлар ^(A7)							
11.1.	Имконияти чекланган шахслар учун ўриндиқли аравача, ёрдам кўрсатиш воситалари (қўлтиктаёқлар)	5						
11.2.	Имконияти чекланган шахслар учун ўриндиқли электрон аравача	10						
11.3.	Тўсиқсиз ҳаракатланиш. Жамоат жойларида кўзи ожиз ёки кўриш қобилияти суст шахслар учун радио товушли мослама	5						
11.4.	Тўсиқсиз ҳаракатланиш. Жамоат жойларида қар ёки эшитиш қобилияти суст шахслар учун ёритгичли индикатор	5						
11.5.	Жамоат жойларида зарур мосламаларга эга санузел	2						М
11.6.	Меҳмонхонанинг кириш қисмида аудио ва матнли маълумотларнинг тақдим этилиши	2						
Қабул қилиш, жойлаштириш ва хизматлар								
12.	Қабул қилиш хизмати							
12.1.	Миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини сотиш ҳудуди ^{(A8), (A11)}	2	М	М	М	М	М	М
12.2.	Санъат композициялари ^{(A8), (A11)}	2	М	М	М	М	М	М
12.3.	Ўтириш жойлари ва ичимлик буюртма қилиш имконияти бўлган лобби ^(A11)	5					М	М
12.4.	Туну-кун қабул қилиш, телефон ва рақамли алоқа воситалари орқали хизмат кўрсатиш	5						
12.5.	Автомобилларни автотураргоҳга жойлаштириш хизмати ^{(A8) (A11)}	10						М
12.6.	Багажни кечаю кундуз келтириш хизмати (машинадан номерга ва номердан машинага)	5				М	М	М
12.7.	Меҳмонларнинг қимматбаҳо буюмларини сақлаш учун индивидуал сейф хоначалари	5						
12.8.	Поябзал тозалаш учун автомат ускунаси	5				М	М	М
12.9.	Ташриф буюрувчилар учун кириш жойи (ҳаво-иссиқлик пардаси ёки тамбур) ^(A11)	2					М	М
12.10.	Техник лойиҳалашга мувофиқ жамоат ва яшаш жойларида мажбурий вентиляция тизимининг мавжудлиги ^(A11)	7				М	М	М
13.	Даҳлиз (холл, вестибюл) майдони: ^{(A6), (A8), (A11)}							
13.1.	9 м ² дан кам бўлмаган, 21-номердан бошлаб ҳар бир номер ҳисобидан 1 м ² қўшилади (максимал майдон 25 м ² дан ошмаслигига рухсат этилади)	2	М					
13.2.	20 м ² дан кам бўлмаган, 21-номердан бошлаб ҳар бир номер ҳисобидан 1 м ² қўшилади (максимал майдон 40 м ² дан ошмаслигига рухсат этилади)	2		М				
13.3.	30 м ² дан кам бўлмаган, 21-номердан бошлаб ҳар бир номер ҳисобидан 1 м ² қўшилади (максимал майдон 80 м ² дан ошмаслигига рухсат этилади)	2			М			
13.4.	30 м ² дан кам бўлмаган, 21-номердан бошлаб ҳар бир номер ҳисобидан 1 м ² қўшилади (бунда максимал майдон 120 м ² дан ошмаслигига рухсат этилади)	2					М	

13.5.	30 m ² дан кам бўлмаган, 21-номердан бошлаб ҳар бир номер ҳисобидан 1 m ² қўшилади (максимал майдон 160 m ² дан ошмаслигига рухсат этилади)	2						М	
14.	Полда турадиган кийим илгич	2							
15.	Хоналарни тозалаш/чойшабларни алмаштириш:								
15.1.	Сочикларни ҳар куни алмаштириш (сўровга кўра)	1	М	М	М	М	М	М	
15.2.	Чойшаб-жилдларни ҳафтада икки марта алмаштириш	3	М	М	М				
15.3.	Чойшаб-жилдларни ҳар куни алмаштириш (сўровга кўра)	3					М	М	
16.	Кир ювиш ва дазмоллаш хизмати: ^(A8)								
16.1.	Дазмоллаш хизмати (1 соат ичида) ^(A11)	3			М	М	М	М	
16.2.	Кир ювиш ва дазмоллаш хизмати (келишув бўйича бажариш, кирхона халталари тақдим қилиш)	1	М	М	М	М	М	М	
16.3.	Кимёвий тозалаш/қурук тозалаш хизмати (24 соат ичида бажариш, келишувга асосан қайтариш, кирхона халталари тақдим қилиш) ^(A4)	5				М	М	М	
17.	Нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш имконияти	1	М	М	М	М	М	М	
Бошқа хизматлар									
18.	Матбуот материаллари (нашр қилинган ёки рақамли) ^(A8)	3	М	М	М	М	М	М	
19.	Кийимларни кичик таъмирлаш	3							
20.	Сўровга кўра нашр қилиш имконияти ^{(A8) (A11)}	2						М	
21.	Поябзал тозалаш	3							
22.	Экскурсиялар, гидлар ва гид-таржимонлар ^(A4)	3							
23.	Транспортда ташиш (трансфер) ^{(A4), (A8) (A11)}	5					М	М	
24.	Меҳмон келгандан сўнг номерга кузатиб қўйиш ^{(A8) (A11)}	5					М	М	
25.	Қўшимча сервис сифатида номерни кечки тайёрлаш ^{(A8) (A11)}	7						М	
26.	Матрасларни ҳар йили ювиш ёки тозалаш ^(A4)	10							
27.	Ёстиқларни ҳар йили тозалаш ёки янги ёстиқларни сотиб олиш	1				М	М	М	
Номерлар									
28.	Фақат бир/икки кишилиқ номерлар ^(A8)	2				М	М	М	
29.	Номер майдони (ваннахона, лоджия, балконни ҳисобга олмаганда):								
29.1.	Хоналар ўлчами ≥ 12 m ² ^(A14)	10							
29.2.	Хоналар ўлчами ≥ 18 m ² ^(A14)	15							
29.3.	Хоналар ўлчами ≥ 22 m ² ^(A14)	20							
29.4.	Хоналар ўлчами ≥ 30 m ² ^(A14)	25							
29.5.	Яримлюкс, 25 m ² дан кам эмас	3							
29.6.	Люкс, 35 m ² дан кам эмас	3							
29.7.	Апартамент, 40 m ² дан кам эмас	3							
29.8.	Студия, 25 m ² дан кам эмас	3							
30.	Люкс номерлар сони ^{(A8) (A11)}		(ҳар бир номерга 2 баллдан, максимум 10 балл ҳисобланади)					М	М
31.	Матрас баландлиги қуйидагидан кам бўлмаган кроват:								
31.1.	18 см	5	М	М	М				
31.2.	22 см	7					М	М	
32.	Кроват кенглиги қуйидагидан кам бўлмаслиги:								

32.1.	бир кишилик 0,8 m	1						
32.2.	бир кишилик 0,9 m	5						
32.3.	бир кишилик 1,0 m	10						М
32.4.	бир кишилик 1,2 m	15						
32.5.	икки кишилик 1,4 m	1						
32.6.	икки кишилик 1,6 m	5						
32.7.	икки кишилик 1,8 m	10						М
32.8.	икки кишилик 2,0 m	15						
33.	Кроват узунлиги қўйидагидан кам бўлмаслиги:							
33.1.	1,9 m	1						
33.2.	2,0 m	5						М
34.	Болалар кровати (сўровга кўра)	1						
35.	Харид қилинганига 5 йил бўлмаган янги матраслар	10						
36.	Аллергияси бор ташриф буюрувчилар учун ётоқ кўрпачилдлари ва ётоқ буюмлари (сўровга кўра)	3						
37.	Декоратив бўлган қўшимча ёстиқ	1						
38.	Бир кишига 2 та декоратив бўлмаган ёстиқ ^(A11)	5						М
39.	Турли ёстиқларни танлаш имконини берувчи ёстиқ менюси	5						
40.	Кроват ёнидаги гиламча	3					М	М
Номерларни жиҳозлаш								
41.	Стул, камида 1 та	3	М	М	М	М	М	М
42.	Кресло, камида 1 та	7			М	М	М	М
43.	Икки кишилик ёки люкс номерда 1 та қўшимча қулай юмшоқ кресло ёки диван	7						
44.	Стул, столнинг усти ёки ишлаш худуди ^(A11)	1	М	М				
45.	0,35 m ² бўш минимал иш худудига эга, яқинида розетка бўлган ва етарли ёруғлик билан таъминланган стол, столнинг усти ёки ишлаш худуди ^(A11)	5			М			
46.	0,50 m ² бўш минимал иш худудига эга, яқинида розетка бўлган ва етарли ёруғлик билан таъминланган стол, столнинг усти ёки ишлаш худуди ^(A11)	7					М	М
47.	Ҳар бир яшовчи учун етарли миқдорда ўтириш жойи бўлган овқатланиш столи ^(A9)	2						
48.	Бўш розетка (кучланиш кўрсатилиши лозим)	1	М	М	М	М	М	М
49.	Ҳар бир яшовчи учун турли хилдаги 4 дондан илгаклар	2	М	М	М	М	М	М
50.	Бутун хонани ёритиш учун марказлашган улаб-узгич (санузелдан ташқари)	3						
51.	Бутун хонани ёритиш учун кроват олдидаги улаб-узгич (санузелдан ташқари)	3						
52.	Тунчирок	1						
53.	Кроват олдидаги ўқиш учун чирок	3	М	М	М	М	М	М
54.	Мини-сейф ^(A11)	5					М	М
55.	Барча хоналарда йил бўйи марказлашган кондициялаш тизимининг мавжудлиги ва номерларда ҳароратни индивидуал тартибга солиш учун термостатнинг мавжудлиги (қишда иситиш тизими, ёзда совитиш/кондициялаш тизими)	10					М	М
56.	Жамоат жойларида ёқимли муҳит (ёритиш, ёқимли ҳид, мусиқа, гуллар ва бошқалар)	1						

57.	Аудио ва мультимедия кўнгилочар хизматлари ^(A12)	5					
58.	Телевизор:						
58.1.	32 дюйм ва юқори диагоналли	2	М	М	М		
58.2.	40 дюйм ва юқори диагоналли	2				М	М
58.3.	ҳар бир хонада, номерда (люкс)	2				М	М
58.4.	Дунё телекомпанияларининг асосий дастурларини трансляция қилиш	5	М	М	М	М	М
58.5.	Ўзбекистон Республикасининг тарихи ва маданияти, туристик салоҳияти тўғрисидаги материалларни намойиш қилишга ихтисослаштирилган телевизион каналлар, шунингдек хорижий телевизион дастурларни трансляция қилиш	3					
59.	Интернет қурилмаларни тақдим қилиш (сўровга кўра ноутбук, планшет ёки бошқа жиҳозлар) ^(A11)	5					М
60.	Интернет жаҳон ахборот тармоғига хавфсиз боғланиш (LAN, VPN ёки эквивалент) ^(A11)	5				М	М
61.	Давлат ва бошқа икки хорижий тилда ахборот маълумотлари (босма ёки рақамли): тақдим қилинадиган хизматлар рўйхати; туристик ва бошқа маълумотли реклама материаллари (буклетлар, рисодалар ва бошқалар).	2	М	М	М	М	М
62.	Номерда тикув тўплами	3			М	М	М
63.	Ёзув ашёлари тўплами (қоғоз, ручка ёки қалам) ^(A11)	1	М	М	М	М	М
64.	Номерда дазмол ва дазмоллаш тахтаси	1					
65.	Номерда дазмол ва дазмоллаш тахтаси, кир қуришиш ^(A9)	3					
66.	Тозалаш учун тўплам (номерда чўткалар — кийим, поябзал (ёки поябзал учун губка) учун, поябзал учун қошиқ) ^(A11)	2	М	М	М	М	М
67.	Эшикдаги кўзча ^(A11)	3				М	М
68.	Номер эшигини кўшимча блоклаш механизми	1				М	М
69.	Номерда электр чойнак ва чой идишлари тўплами	2	М	М	М	М	М
70.	Номерда кофе тўплами бўлган кофе машина ^(A9)	5					
71.	Кир ювиш машинаси ^(A9)	2					
Санузел ^(A2)							
72.	Майдони қуйидагидан кам бўлмаган санузел: ^{(A7) (A14)}						
72.1.	≥ 4,0 m ²	10					
72.2.	≥ 5,0 m ²	15					
73.	Номерда алоҳида (ажратилган) кўшимча хожатхона	5					
74.	Тўсиқ билан тўсилган душ	1					
75.	Икки хонали ёки люкс хоналарда кўшимча бет-қўл ювгич (раковина)	5					
76.	Бет-қўл ювгич (раковина) олдида ёруғлик бўлиши	1	М	М	М	М	М
77.	Сирпаниш вақтида йиқилишдан ҳимоя қилувчи ванна/душдаги доимий ёки олинадиган махсус қоплама	1					
78.	Сирпаниш вақтида йиқилишни олдини олиш учун ваннада ёки ваннадаги деворда хавфсизлик тутқичи (ванна мавжуд бўлганда)	3					
79.	Кўзгу олдида бўш розетка	1	М	М	М	М	М
80.	Мослашувчан косметик кўзгу	3					
81.	Ёритиладиган кўзгу	1					
82.	Иситиладиган сочиқ қуритгич	5					

83.	Сочиклар учун илгич ёки илгак	1	М	М	М	М	М
84.	Ваннахонани иситиш (иссиқ пол)	3					
85.	Сочиклар тўпламини сақлаш учун юза	1				М	М
86.	Биде ёки унитаз учун гигиеник душ:						
86.1.	камида 50 фоиз номерларда ^(A11)	2	М	М			
86.2.	камида 75 фоиз номерларда ^(A11)	3			М	М	
86.3.	барча номерларда ^(A11)	5					М
87.	Тиш чўткалари учун стакан	1	М	М	М	М	М
88.	Ювиниш учун гель ^(A11)	1	М	М	М	М	М
89.	Шампунь	1	М	М	М	М	М
90.	Санитария-гигиена буюмларини тақдим қилиш (энг камида тиш чўткаси, тиш пастаси, соқол олиш учун тўплам)	2			М	М	М
91.	Қўшимча косметик буюмлар: душ учун қалпоқча, пахтали чўплар, пахтали дисклар, тана учун лосён, соч учун кондиционер, ванна учун кўпик (ванна мавжуд бўлганда)	1				М	М
92.	Ҳар бир меҳмонга юз учун салфеткалар (момик)	3					М
93.	Юз учун қоғоз салфеткалар	3	М	М	М	М	
94.	Ҳар бир меҳмонга ҳаммом халати ^(A11)	3			М	М	М
95.	Болалар учун момик ҳаммом халати (сўровга кўра)	3					
96.	Ҳар бир меҳмонга бир марталик шиппақлар	1	М	М	М	М	М
97.	Болалар учун бир марталик шиппақлари (сўровга кўра)	1					
98.	Соч қуриткич (фен)	3	М	М	М	М	М
99.	Ваннахонада баланд бўлмаган табуретка (сўровга кўра)	3					
Гастрономия ^(A8)							
100.	Меҳмонхонада ичимлик таклиф қилиш ^(A11)	1	М	М	М	М	М
101.	Номерда ичимлик таклиф қилиш ^(A11)	3	М	М	М	М	М
102.	Номерда мини бар (ичимлик ва егулик менюси билан бирга) ^(A11)	5				М	М
103.	24 соат мобайнида номерга ичимлик етказиш хизмати ^(A11)	15				М	М
104.	Ичимликлар ва газаклар менюси (қоғозли ёки рақамли) билан хизмат кўрсатиш бари (лоунж бар) (туну-кун очик) ^(A11)	10				М	М
105.	Нонушта қилиш ҳудудида кофе тўплами билан кофе машина ^(A11)	5			М	М	М
106.	Континентал нонушта	2	М	М			
107.	«Швед столи» нонуштаси ёки шунга мос нонушта менюси	5			М		
108.	Хизмат кўрсатиладиган «швед столи» нонуштаси ёки шунга мос нонушта менюси ^(A11)	10				М	М
109.	Номерларга хизмат кўрсатиш орқали нонушта менюси ^(A11)	5					М
110.	Аллергия ёки диабети борлар учун хавфсиз маҳсулотлар (глутенсиз, лактозасиз ва бошқалар)	3					
111.	Менюда миллий таомлар	5					
112.	Номерда 24 соат таом тақдим қилиш хизмати ^(A11)	15				М	М
113.	Ресторан ^(A11)	5	М	М	М		
114.	Камида иккита ресторан ^(A11)	10				М	М
115.	Боғли ва табиий кўкаламзорлаштирилган ёзги ресторан	3					

116.	Ҳар куни ишлайдиган ресторан ^{(A7), (A11)}	хар бирига 5 бал максимум 10			М	М	М
Тадбирлар ўтказиш учун шароитлар ^(A8)							
117.	Камида 50 киши учун банкет ўтказиш имконияти мавжудлиги (ресторан ҳисобга олинмайди)	1					
118.	Камида 100 киши учун банкет ўтказиш имконияти мавжудлиги (ресторан ҳисобга олинмайди)	3					
119.	Камида 250 киши учун банкет ўтказиш имконияти мавжудлиги (ресторан ҳисобга олинмайди)	5					
120.	Коворкинг учун махсус хона/гуруҳ бўлиб ишлаш учун зал	10					
121.	Камида 100 m ² майдонга эга конференция зали	10					
122.	Конференц-сервис (алоҳида бўлим, алоҳида ходим)	5					
123.	Конференция залида табиий ёруғликнинг бўлиши ва коронғу қилиш имконияти	1					
124.	Бизнес марказ (алоҳида офис ва хизмат кўрсатувчи ходим)	5					
125.	Конференция залида ҳавони тартибга солувчи марказий кондициялаш тизими	3					
Бўш вақт ^(A8)							
126.	Жойлаштириш воситаси ҳудудида ёки очик ҳавода дам олиш учун имконият мавжудлиги: хусусий боғ, теннис корти, пляж ёки кўлга чиқиш, голф майдони ва бошқалар	9					
127.	Спорт инвентарлари ижараси (чанғилар, қайиқ ва бошқалар)	3					
128.	Камида 4 хил тренажёрлари бор тренажёр зали (гантеллар, куч машғулотлари учун тренажёр, югуриш йўлакчаси, велотренажёр, зинали тренажёр) ^(A7)	5			М	М	М
129.	Ихтисослаштирилган дам олишни ташкиллаштириш (ов, балиқ ови ва бошқалар) ^(A4)	3					
130.	Автотранспорт (сув ва сувмотор транспорт, катамаранлар, акваланглар, индивидуал мобил воситалар ва бошқалар), ҳайвонлар (отлар, туялар), курорт-маиший товарлар ва инвентарларнинг ижараси мавжудлиги ^(A4)	3					
Спа/соғломлаштириш ^{(A2), (A7)}							
131.	Ҳар хил массаж турлари билан камида 10 m ² майдонга эга массаж хонаси	9					
132.	Камида 20 m ² майдонга эга алоҳида дам олиш хонаси ёки жойи	3					
133.	Гидромассажли ванна	3					
134.	Камида 6 ўринли сауна (баня, ҳаммом ва бошқалар) ^{(A7), (A11)}	хар бир тури учун 5 балдан, максимум 15 балл					М
135.	Камида 4 хил турли муолажага эга гўзаллик салони	10					
136.	Индивидуал СПА муолажалари учун ҳудуд	10					
137.	Сузиш бассейни	10				М	М
138.	Сув юзасининг майдони камида 60 m ² бўлган иситиладиган сувли очик бассейн ^(A7)	10					
139.	Сув юзасининг майдони камида 40 m ² бўлган	10					

	иситиладиган сувли ёпиқ бассейн ^(A7)						
Ихтисослаштирилган жойлаштириш воситалари учун шароитлар ^(A12)							
140.	Соғломлаштирувчи даволаш муолажалар мавжудлиги	2					
141.	Соғломлаштириш хизматларини кўрсатиш учун табиий омиллар мавжудлиги	2					
142.	Соғломлаштириш муолажалари учун замонавий жиҳозлар мавжудлиги (жиҳознинг ишлаб чиқариш муддати 5 йилдан кўп бўлмаслиги)	2					
143.	Минерал сув ва шифобахш лой муолажаси мавжудлиги	2					
144.	Бошқа соғломлаштириш муолажалари хоналари мавжудлиги	2					
145.	Мутахассис врачнинг малакали тиббий ёрдами, тиббиёт хонаси	2					
Болалар учун шароитлар							
146.	Малакали мутахассис томонидан қараб туриш ^(A4)	10					
147.	Болалар худуди (ўйин хонаси/ўйин майдони)	3					
148.	Сўровга кўра болалар жиҳозлари (овқатлантириш учун стулча, таом иситиш ускунаси, йўргаклаш гиламчаси, болалар радио энагаси)	хар бир тури учун 3 баллдан, максимум 9 балл					
Бошқа шароитлар							
149.	Кутубхона	3					
150.	Бошловчи/анимация дастури ^(A12)	5					
Онлайн фаоллик							
151.	Меҳмонхонанинг доимий янгиланиб туриладиган, шунингдек жойлашган жойи ҳақиқий расмлар (кровать ўлчамлари ва бошқа маълумотлар) билан кўрсатилган уч тилдаги ўз веб-сайти	1			М	М	М
152.	Тўғридан-тўғри бронлаш имкони бўлган веб-сайт	5					
153.	Веб-сайтнинг мослаштирилган мобил версияси ёки мобил иловаси	5					
154.	Портал ёки сайтда фикр-мулоҳазаларни билдириш учун меҳмонхонадан кетаётган меҳмонларни индивидуал таклиф қилиш	5					
Сифат талаблари							
155.	Энергетика менежменти тизими бўйича сертификат мавжудлиги	15					
156.	Озиқ-овқат хавфсизлиги менежменти тизими бўйича сертификат мавжудлиги	10					
157.	Сифат менежменти тизими бўйича сертификат мавжудлиги ^(A10)	10					
158.	Экологик менежмент тизими бўйича сертификат мавжудлиги	10					
159.	Экологик хавфсизлик белгиси билан маркировкалаш сертификати мавжудлиги	15					
Ходимлар ва уларнинг тайёргарлигига доир талаблар							
160.	Жойлаштириш воситасининг узлуксиз равишда ишини таъминлаш учун ходимларнинг сони етарлича мавжудлиги	-	М	М	М	М	М
161.	Функционал мажбуриятлар ва ишнинг белгиланган қоидаларини қайд қилувчи, ходимлар учун ёзма стандартлар ва барча хизматлар ходимларининг уларга	2		М	М	М	М

	риоя қилиши ^(A11)						
162.	Йўналишлар бўйича ходимлар учун ўтказилган машғулотларнинг ёзувлари ^(A11)	2			М	М	М
163.	Камида иккита хорижий тилни биладиган ходимлар (давлат тили ва бошқалар)	3		М	М	М	М
164.	Камида учта хорижий тилни биладиган ходимлар (давлат тили ва бошқалар)	2				М	М
165.	Швейцар (дарбон) (алоҳида ходим) ^{(A3), (A8) (A11)}	15					М
166.	Консерж (алоҳида ходим) ^{(A8) (A11)}	15				М	М
167.	Ташувчи (алоҳида ходим, багаж ташувчи) ^{(A8) (A11)}	15				М	М
Ходимлар учун шароитлар							
168.	Овқатланиш учун алоҳида ошхона/жой	2		М	М	М	М
169.	Кийим алмаштириш хоналари, шкафлар/локер бўлма	2	М	М	М	М	М
170.	Дам олиш хонаси/худуди	2			М	М	М
Тоифа олиш учун минимал балларнинг йиғиндиси							
	Меҳмонхоналар ва ўхшаш жойлаштириш воситалар учун		149	230	357	523	615
	апартаментлар, апартаментлар мажмуи (қароргоҳ) учун		117	177	261	346	409
	ихтисослаштирилган жойлаштириш воситалар учун		135	193	274	338	399
<p>Изоҳлар:</p> <p>(A1) Карантин шароитида тозалик ва гигиена бўйича алоҳида талаблар белгиланиши мумкин.</p> <p>(A2) «Brand Finance» компаниясининг топ-50 ёки топ-5 рейтингга кирувчи франчайзинг меҳмонхоналар стандартида кўрсатилган майдонни қўллашга рухсат этилади.</p> <p>(A3) Талаб автоматик сенсор эшиклар ёки айланадиган компакт сенсор эшикларига эга бўлган жойлаштириш воситалари учун мажбурий эмас.</p> <p>(A4) Ушбу талаб тегишли хизматларни кўрсатувчи бошқа корхоналар билан шартнома тузиш йўли орқали амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, жойлаштириш воситаси яқинида 100 м гача масофада талаб этилаётган хизматлар мавжуд бўлганда мажбурий эмас.</p> <p>(A5) Талаб 100 фоиз номерларда индивидуал сейфлар бор бўлганда мажбурий эмас.</p> <p>(A6) Маданий мерос объекти бўлган биноларда ёки тарихий манзилгоҳлар худудида жойлашган жойлаштириш воситалари учун талаб этилаётган майдоннинг 50 фоизига рухсат этилади.</p> <p>(A7) Маданий мерос объекти бўлган биноларда жойлашган жойлаштириш воситалари учун талаб мажбурий эмас.</p> <p>(A8) Талаб апартаментлар учун мажбурий эмас.</p> <p>(A9) Талаб апартаментлар учун мажбурий.</p> <p>(A10) «Brand Finance» компаниясининг топ-50 ёки топ-5 рейтингга кирувчи франчайзинг меҳмонхоналар учун мажбурий эмас.</p> <p>(A11) Талаб ихтисослаштирилган жойлаштириш воситалари учун мажбурий эмас.</p> <p>(A12) Талаб ихтисослаштирилган жойлаштириш воситалари учун мажбурий.</p> <p>(A13) Ихтисослаштирилган жойлаштириш воситалари учун мажбурий бўлган баллар меҳмонхона ва шунга ўхшаш турдаги жойлаштириш воситаларига тадбиқ этилмайди.</p> <p>(A14) Номер фондининг 15 % гача ўлчамгача кичик бўлишига рухсат этилади.</p>							

Мухим сўзлар: жойлаштириш воситаси, меҳмонхоналар таснифланиши, таснифлаш тизими, меҳмонхона тоифаси, ихтисослаштирилган, талаблар

Техник қўмита раиси



Ш.Шарипов

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

“Туризм хизматларини
сертификатлаштириш
маркази” ДУК директори в.б.



С.Хонбабаев

“Туризм хизматларини
сертификатлаштириш
маркази” ДУК
директори ўринбосари



С.Миркомилова

“Туризм хизматларини
сертификатлаштириш маркази” ДУК
стандартлаштириш бўлими бошлиғи



С.Мухитов